

ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИНИ ЎҚУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИДРОК ВА ТАСАВВУР ЭТИЛИШНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ

Г.Р. Остонова

Бухоро давлат университети

Тасвирий ва амалий санъат кафедраси

p.f.f.d.(PhD) ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7735358>

Тасвирий санъат илм-фан каби дунёни, ҳаётни, табиатни, ҳалқлар тарихини билишга хизмат қилади. Тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши ибтидоий жамоа даврига бориб тақалади. Бу вақтда кишилар воқеаларни, одам ва хайвонларни тошларга тасвирини чизиб, уларни кесиб турли кўриниш ва мазмунда ҳайкаллар ясаганлар. Қадимдан кишилар санъат, табиат ходисалари ва кишиларнинг ўзаро муносабатлари, фаолиятларига, хулқига ижобий таъсир кўрсатади деб ҳисоблаганлар.

Шу қатори тасвирий санъат асарлари кишиларга катта куч билан таъсир кўрсатиш имкониятига ҳам эга. Кишилар тасвирий санъат асарларини томоша қилиш орқали уларда ифодаланган гўзалликни кўриш орқали ўз ҳаётига ана шундай гўзалликни киритишга ҳаракат қиладилар, асарлардаги қаҳрамонона ҳаракатларни кўриб уларга ўхшашга интиладилар. Санъат асарларидаги хунук воқеалар, ҳаракатларни кўриш орқали улардан жирканадилар.

Айниқса, тарихий жанрдаги санъат асарларини томоша қилганда ўша даврдаги табиат манзаралари, нарсалар, кишилар ҳаёти, меҳнат ва жанг қуроллари, уларнинг кийимлари, урф-одатлари билан танишадилар, қурилишлар, бинолар ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Ижтимоий онг шаклларида бири - санъат-табиат ва жамиятда бўлган, бўлаётган ва бўладиган воқеа-ҳодисаларни бадиий тасвирларда ифодаданишидир. Санъат ўзида моддий оламнинг умумий ҳолатини ва ривожланишини акс эттириб, одамларга уни билдириришда муҳим восита бўлади ва уларни сиёсий, ахлоқий ва бадиий жиҳатдан тарбиялашнинг қудратли омили бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, ҳар бир жамият формацияси санъат ривожига ўзининг маълум иқтисодий-сиёсий позициясида туриб, маълум даражада шароит яратади. Шу боисдан ҳар бир жамият санъати ўша ўз даври талабида хизмат қилади. Санъат қайси жамиятга, қайси синфга ва миллатга хизмат қилиши ва бу синф ва миллатнинг иқтисодий ва сиёсий йўлида хизмат қилишига қараб, уни синфий ва миллийлик хусусияти белгиланади.

Ҳар бир жамиятдаги санъат эркин, халқчил, инсонпарвар, меҳнатсевар ва бошқа юксак инсоний ғоявийлиги асосида вужудга келса, бу санъат ўзида халқпарвар, инсонпарвар, ватанпарварлик ва миллийлик каби илғор ғояларни илгари суришга хизмат қилади. Бу санъат кенг меҳнаткашлар оммасига хизмат қилади. Бу санъат халқининг мақсади, вазифалари, орзу-умидларини сиёсий ва иқтисодий йўлини ифодалайди.

Тасвирий санъатнинг муҳим хусусиятларидан бири - инсон учун фақат борлиқни, табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисалар ва нарсаларни билдирибгина қолмай, одамларга янги билим, тасаввур ва тушунчалар бериб, маънавий бойитувчи, ижодий юксалишга бошловчи қудратли фактор бўлиб, хизмат қилади

Тасвирий санъат инсон онгига тезда таъсир этиб, унда эзгу ҳислар уйғотадиган, маънавий оламни бойитадиган санъат турларидан биридир. Шу билан бирга, тасвирий санъат инсон шахсининг шаклланиш ва камолга етишига ёрдам берадиган тарбиячи ҳамдир.

Метод — грекча сўз бўлиб, йўл, ахлоқ усули маъноларини билдиради. Табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини билиш, тадқиқ қилиш усули. Фаолият, ҳаракатнинг йўли, усули ёки қиёфаси, шакли, кўриниши.

Таълим олувчи ва таълим берувчининг маълум мақсадга қаратилган, биргаликдаги фаолиятини ташкил қилишнинг муайян тизимга ва тартибга солинган йўл-йўриғи Таълим усули деганда, таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кутилган мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолиятлари тушунилади. Ўқитиш усуллари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи-талаба фаолиятининг қандай бўлишини, ўқитиш жараёнини қандай қилиб ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини белгилаб беради.

- Оғзаки
- Кўргазмали метод
- Амалий метод

Таълимнинг оғзаки методи. Янги билимларни бериш усуллари билимлар манбаидир, яъни билимлар ҳамда таърифларни бериш;

- тушунтириш
- ҳикоя
- маъруза
- суҳбат

Ўқув материалларини **тушунтириш** – ўқитувчи томонидан ўтилаётган мавзунинг мазмунини ҳарактерлайдиган тушунча, таъриф, қонун ва қоидаларни уқтиришдир.

Тушунтириш методи орқали тасвирий санъат асарларини, ўқувчилар тасаввурларини ривожлантириш санъат асарлари таҳлили ёрдамида амалга оширилди.

Суҳбат. Суҳбат таълимнинг кенг тарқалган усули. Бу усул савол – жавоб усули деб ҳам юритилади. Суҳбатнинг тўрт хил тури мавжуд бўлиб, улар; янги билимлар беришда, билимларни мустаҳкамлашда, олинган билимларни текширишда, ўтилган материалларни такрорлашда қўлланадиган суҳбатлардир.

Тадқиқотимизда ўқувчилар билан суҳбатлашиш орқали уларнинг тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурларини ўганиш ва уларни ривожлантиришда фойдаланилди.

Ҳикоя қилиш – ўқитувчи томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид омил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилинишидир.

Тадқиқотимизда асарлардаги сюжетлар ва асарлар тарихини ҳикоя қилиш орқали ўқувчиларда тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурлари риволантирилди.

Таълимнинг кўргазмали методлари. Ўқитиш жараёнида кўргазмалилик усулидан фойдаланишнинг муҳимлиги ўқитувчининг ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этишга, уларни кузатиб мушоҳада қилишга ўқувчини ундаш, мантиқий ва

назарий элементларининг бирлигига ишонч ҳосил қилишга, шунингдек, назарий билимларни амалиётда қўллай олишга ўргата билиши билан изоҳланади.

Таълим жараёнида кўргазмалилик усули намойиш этиш, иллюстрация ва экскурсия тариқасида олиб борилади. Ўқитишда намойиш этиш усулидан фойдаланиш материалларнинг характериға-мазмунни, шакли ва ҳажмиға боғлиқдир.

- Намойиш методи
- Иллюстрация
- Экскурсия

Асосий мақсад шуки, ўқувчиларни санъат асарларига нисбатан ақлан, қалбан идрок қила олиш, тушуниш, ҳиссий эстетик завқ олишға ўргатиш лозим. Асарни англаш, ақл, қалб ва меҳр кўзи билан кўриш, имкони бўлса, асар ғоясидан ортиқ нарсаларни кўриб ҳаётий хулоса чиқаришға, тасаввур қилган ғоялар билан тўлдиришға ўргатиш лозим.

References:

1. Орипов Б. Тасвирий санъатни ўқитишнинг замонавий педагогик технологияси, дидактикаси ва методикаси. Методик қўлланма. – Т.: Илм-зиё, 2013.
2. . Б.Н. Орипов. “Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси” Методик қўлланма. – Илм зиё – Тошкент 2013
3. Абдурасулов С.Ф. Тасвирий санъат методикаси.- Тошкент, 2006